



ЗАМИНДА БАҲОРДУР ЯШНАТИБ ОЛАМ! КЎНГИЛНИ ШОД ЭТАР, НАВРЎЗИ ОЛАМ!



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 17 март • №12 (1396)

2022 ЙИЛ-ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаолликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди. Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда “Нурунийлар маскани” мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нурунийлар жамоатчилик кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилди, “Кексалар ҳафталиги” ва “Кексалар учун туризм ойлиги”ни ўтказиш анъанага айланди. Шу билан бирга, мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги унга юклатилган асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда нуруний ва кексалар билан ишларни тақомиллаштириш йўналишида куйидаги тадбирларни амалга оширади:

маҳаллаларда “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган ижтимоий фаол нурунийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилот-

лардаги “Фахрийлар кенгашлари”, фуқаролар йиғинларидаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

меҳнат фахрийларининг маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш;

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шiori остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нурунийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА

O'zbekiston Respublikasi
Prezidentining

Tibbiyotdagi islohotlar -

INSON QADRI UCHUN

mavzusidagi ochiq muloqoti

18-MART



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очик мулоқот ўтказди.

Бундай тадбир мамлакатимиз тарихида илк мартаба ўтказилаётган бўлиб, унда соҳани янада ривожлантириш, тизимли муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинади, тиббиёт ходимларининг таклифлари эшитилади.

Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида тиббиёт ходимлари ва аҳолидан 25 мингдан ортиқ мурожаат ва таклифлар келиб тушган. Улар таҳлил қилиниб, “Инсон қадрлари учун” деган эзгу ғоя асосида юртимиз соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва халқимизга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Учрашувда соҳанинг барча бўғинларидан 10 минг нафардан зиёд ходим иштирок этиши кутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 18 марта текучего года проведет открытый диалог с представителями здравоохранения.

В ходе встречи, которая станет первым в истории страны мероприятием подобного формата, будут обсуждены меры дальнейшего развития сферы и устранения системных проблем, заслушаны предложения медицинских работников.

В ходе подготовки к открытому диалогу от населения и медицинских работников поступило более 25 тысяч обращений и предложений. На основе их анализа разработаны широкомасштабные меры по выведению системы здравоохранения на новый уровень, повышению эффективности и качества медицинского обслуживания населения на основе идеи “Во имя чести и достоинства человека”.

Во встрече примут участие более 10 тысяч работников всех звеньев здравоохранения.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Нуронийлар маскани” мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

2. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев):

а) икки ой муддатда Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нуронийлар ва зиёлиларни ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктириш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етиштиришга қўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, маҳаллалардаги ёшларнинг тарбияси ва ахлоқида бўлган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб нуроний ва зиёлилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади;

б) фуқаролар йиғинлари томонидан нуронийлар ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича маҳаллаларнинг дастурлари қабул қилинишини таъминласин;

в) фуқаролар йиғинларида “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг жамоатчилик назорати йўналишидаги фаолиятини самарали ташкил этсин.

Бунда, маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш дара-

жаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нуронийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади.

3. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартибини тақиқлаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир мартаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизгача бўлган суммаси компенсация қилинади.

Бунда, дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли суммаси компенсация қилинади;

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (ста-

дион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади.

Бунда, абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан ошмаган ҳолда спорт йўналишидаги муассасаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади;

д) Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва маблағ ажратишни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

5. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Туризм ва маданий мерос вазирлиги (У.А.Азамов) билан биргаликда:

кексаларнинг республикамиздаги диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини ташкил этиш мақсадида Жамғармага ажратилган маблағлар ҳисобидан иккита замонавий автобус харид қилсин; сайёҳлик сафарларини уюштириш бўйича тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларнинг рўйхатини шакллантирсин ҳамда туманлар (шаҳарлар) кесимида автобуслар қатновлари графигини тасдиқласин;

2022 йил учун графикда белгиланган сафарларни уюштириш жойи, вақти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари, шу жумладан, “Нуроний” электрон платформаси орқали ҳудудлар аҳолисини камида уч ой олдиндан хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин.

6. 2022 йилда Жамғарма маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Иш-

метов) Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ келгуси йилларда Жамғарманинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

7. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда:

а) 2022 йил 1 октябрга қадар Жамғарманинг “Нуроний” электрон платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятини йўлга қўйсин ҳамда Жамғарманинг фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг платформада жойлаштириб борилишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг сарфланиши, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳисобот чораги якуни билан Жамғарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилади;

Жамғарма ўз маблағларининг сарфланишига оид масалаларни муҳокама қилишга кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўз фаолиятининг аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботини оммавий ахборот воситаларига тақдим этиб боради;

б) 2022 йил 1 сентябрга қадар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда кексаларга оид маълумот ва янгиликларни уларнинг мобил телефон рақамларига SMS-хабарнома юбориш орқали маълум қилиб боришни ташкил қилсин;

в) 2022 йил 1 декабрга қадар Жамғарманинг ягона электрон маълумотлар базасига кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалалар киритилишини таъминласин;

г) 2023 йил 1 январга қадар “Нуроний” электрон платформаси

масини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия ва нафақа олувчиларнинг электрон маълумотлар базаси, “Ижтимоий ҳимоя ягона рестри” ҳамда “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. 2022 йил 1 майдан бошлаб ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг “Call-маркази”га қилинган муурожаатлар асосида қуйидаги хизматларни кўрсатади:

а) ахборот-сервис хизмати: оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорларининг кўригига ёздириш, уларни уйга кўриқдан ўтишга чақиртиш;

Жамғарма хизматларидан фойдаланиш учун буюртма бериш, рўйхатдан ўтиш ва буюртманинг ҳолатига аниқлик киритиш;

Жамғарма томонидан ташкил этиладиган профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари бўйича маълумотлар олиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) тўғрисида маълумотлар олиш;

маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш;

б) уйда хизматларни кўрсатиш:

Жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-аравачаларни уйга етказиб бериш;

шифокорлар рецептларига асосан ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига дори воситаларини олиб келиш ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокори кўригидан сўнг тиббий кўриқ маълумотларини етказиш;

кутубхоналарга аъзо бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ноги-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

ронлиги бўлган шахслар учун китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа нашрларни етказиш.

9. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.А.Хаджаев), Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) билан биргаликда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканаллари орқали Жамғарманинг молиявий қўмаги асосида кексалар учун қуйидаги мазмундаги кўнгилочар-маърифий кўрсатувлар ва видеороликлар эфирга узатилишини ташкил қилсин:

а) “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” телекўрсатувининг ҳар ойда камида иккита янги сони.

Бунда, кўрсатув мазмунан бойитилган ҳолда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат руҳида тасвирга олинади;

б) “Нуронийлар маслаҳати”, “Маҳаллада гурунг” ва “Ёшлар нуронийлар нигоҳида” рукни остида обрў-эътиборли кекса авлод вакиллари билан бой ҳаётий тажрибасига бағишланган маърифий телекўрсатувларнинг ҳар кунлик сони;

в) замонавий тўлов воситаларидан ва банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда молиявий саводхонликни ошириш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандчилик, қўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйиш ҳамда хунармандчилик, касаначилик ва томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича қисқа метражли видеороликлар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажри-

Давоми. Боши 1-бетда

бага эга бўлган, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган кекса авлод вакиллари билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида “Кекса авлод учрашувлари” мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этиб борилади.

Белгилансинки, маслаҳат суҳбатлари вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимлари иштирокида ташкилотнинг сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари, истиқболдаги режалари ҳамда узоқ муддатли стратегик кўрсаткичлари бўйича муҳокамали тарзда ташкил қилинади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Б.О.Саидов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 апрелдан бошлаб доимий равишда:**

а) олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва мактабларда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийлар билан очик давра суҳбатларини, шу жумладан, видеоконференция тарзида ташкил этиш;

б) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги давлат органлари ва муассасаларининг малакали психологлари, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтерлик гуруҳларини ташкил қилиш.

Бунда, волонтерлик гуруҳлари томонидан ҳар икки ойда камида бир маротаба ўзгаларнинг парваришига

муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш масалаларини мувофиқлаштиришга ёшлар етакчилари шахсан масъул ҳисобланади.

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарманинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарманинг шакллантирилган ўз маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

13. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда фаол қариш индексини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги нуро-

нийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

15. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Т.Турдиев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 15 март

ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

ШАРОИТИ ОҒИР КЕКСАЛАРГА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ

Кеча Президентимизнинг “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда кексаларимиз саломатлигини таъминлашга доир қатор имтиёзлар ҳам белгиланган.

Хусусан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

– ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса-

лар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

– шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецетларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб бери-

лади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

– оғир таъхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецетларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизига бўлган суммаси компенсация қилинади.

– Бунда, дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли суммаси компенсация қилинади.

@ssvuz

24 март - Бутун жаҳон силга қарши курашиш куни

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Аҳамиятлиси шундаки, мамлакатимизда туберкулез касаллиги ва уни олдини олиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, шу ўринда таъкидлашим жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фаолиятларни янада такомиллаштириш борасида қабул қилаётган меъёрий-ҳужжатлари, шунингдек, даволанувчилар учун кенг имконият ва шароитларни яратиб бераётганлиги, албатта, бу инсон қадри ва унинг саломатлигига қаратилган эзгу мақсадларнинг ёрқин ифодасидир. Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбари соҳанинг ҳар бир йўналишига жиддий эътибор қаратиб, ўз тақлифларини бераётганликлари ҳам тиббиёт тизимининг янада ривож топишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.



ФАКТ ВА РАҚАМ

2021 йил якунларига кўра: сил билан касалланган беморлар сони 2019 йилга нисбатан **18,6 фоиз**, 2018 йилга нисбатан эса **16,7** фоизга камайган. 2020 йилда аниқланган беморлар сонига нисбатан эса **9,6 фоизга** ошган.

Ўлим кўрсаткичи 2015 йилга қиёслаганда **61,3** фоизга камайиб, 100 000 аҳолига нисбатан **1,2** фоизга тушди. Ўз навбатида, даволаш самарадорлиги **91,2** фоизга етказилди.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказимизда барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Айтиш жоизки, марказимизда йилга 4 минг нафардан ортик беморни даволаш имкони яратилган. Бундан ташқари, муассасанинг 50 қатновга эга маслаҳат поликлиникаси ҳамда ҳудудларда фтизиатрия ва пульмонология марказлари фаолият кўрсатмоқда. Марказимиз замонавий тиббий аппаратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган. Таъкидлашим муҳими, дунёда йилга 8,6 миллион киши туберкулез (сил) хасталигига чалиниб, унинг асоратлари туфайли 1 миллиондан ортик бемор вафот этмоқда. Албатта, бу – хавfli касаллик. Шунга қарамай, замонавий тиббиёт ютуқлари асосида уни самарали даволаш мумкин. Ўзбекистоннинг бу борадаги илғор тажрибаси кейинги йилларда дунё миқёсида эътироф этиляпти. Авваллари туберкулезни аниқлаш учун 3-4 ойлаб вақт талаб этилар эди. Ҳозирги кунда эса бу касалликка генно-молекуляр усули орқали борйўғи 70 дақиқа ичида аниқ ташхис қўйилмоқда. Илғор операция усуллари жорий этилиши, самарали дори-дармонлар қўлланилиши натижасида беморларнинг касалликдан соғайиш муддати ҳам 2 йилдан 9 ойга қисқарди. Ҳозир олимларимиз "Чегара билмас шифокорлар" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда даволаниш курсини олти ойга қисқартириш устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Энг муҳими, бунинг дастлабки натижаси ва самарадорлиги ўтган йили Лондонда бўлиб ўтган Жаҳон туберкулез ва ўпка касалликлари Конгрессида эътироф этилди. Сил билан касалланган беморлар сони 2006 йилдан бошлаб мунтазам равишда камайиб бормоқда. 2021 йил якуни бўйича сил билан касалланган беморлар сони 2019 йилга нисбатан

18,6 фоиз, 2018 йилга нисбатан эса 16,7 фоизга камайган. 2020 йилда аниқланган беморлар сонига нисбатан эса 9,6 фоизга ошган. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби ушбу йил давомида амалга оширилган карантин ва никоб тақиш тизимини жорий қилиниши ва фтизиатрия тизимидаги муассасаларга мурожаат қилган беморлар сонининг кескин камайганлигидир. Яна бир таҳлилларга эътибор қаратдиган бўлсак, ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимизда ушбу хасталикка чалиниш ҳолатлари 2015 йилга нисбатан 31,4 фоизга камайиб, ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 32,1 фозни ташкил этган.

Ўлим ҳолатлари эса 2015 йилга қиёслаганда 61,3 фоизга камайиб, 100000 аҳолига нисбатан 1,2 фоизга тушди. Ўз навбатида, даволаш самарадорлиги 91,2 фоизга етказилди. Дунёда ушбу кўрсаткич 85 фоз эканини инобатга олсак, натижа кўлами янада яққолроқ кўзга ташланади. 2021 йил якуни бўйича илк маротаба сил билан касалланган шахслар ҳар 100000 аҳолига нисбатан 35,5 ни ташкил этган. Аниқланган беморларнинг 53,8 фозини эркаклар, 46,2 фозини аёллар ташкил қилган. 2021 йил давомида ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 1,0 фоз ўлим билан тугаган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 1,2 фозини ташкил қилган. 2021 йил давомида аниқланган беморларнинг 58,2 фозини ўпка сили қолганлари эса ўпкадан ташқари аъзолар сили билан касалланган беморларни ташкил қилган. Республиканинг барча ҳудудларида фтизиатрия ва пульмонология йўналишининг бош муассасаси бўлган вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказлари ташкил қилинган. Шунингдек, вилоят ва туман миқёсидаги 30 та фтизиатрия диспансерлари ва 14 вилоят фтизиатрия шифохоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шундай экан, марказимизда бундай ютуқлар кўп. Шу боис ўтган қисқа даврда силга қарши олиб борилган тадбирлар натижалари бўйича Ўзбекистон фтизиатрия хизмати Ев-



ропа ҳудудидаги 53 та мамлакат орасида 2-ўринни эгаллади. Ҳозир марказда Германиянинг халқаро сертификатига эга, сил микобактериясини бактериологик, молекуляр-генетик усулда, тезкор ва аниқ ташхислайдиган Референс-микробиологик лабораторияси мавжуд. Қолаверса, ўтган йилда муассасага халқаро ташкилотлар кўмагида келтирилган 30 та GeneXpert инновацион технологияси ҳудудлардаги лабораторияларга ўрнатилди. Айни пайтда мамлакатимизда бундай замонавий ускуналар сони 98 тани ташкил этапти. Бундан ташқари, марказ 10 дан ортик турли сунъий нафас олиш ҳамда фибробронхоскоп ускуналари билан таъминланган. Маълумки, мамлакатимиз туберкулез касаллигини 2050 йилгача бартараф қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олганлиги ҳам энг муҳим қадамлардан биридир. Бу кадам ҳукуматнинг 2021-2026 йилларга мўлжалланган Сил касаллигига қарши курашиш бўйича "Миллий Стратегия"да кўрсатилган бўлиб, 2025 йилгача мазкур хасталик билан касалланиш даражасини 50 фоизга ва ўлим сонини 75 фоизга камайтириш асосий мақсад ҳисобланади. Айтиш ўринлики, соғлиқни сақлаш вазирлиги, USAID ва бошқа халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда туберкулез

касаллиги ва улар билан боғлиқ ўлим ҳолатларини камайтириш борасида катта ютуқларга эришиб келинмоқда. Жумладан, USAID томонидан тақдим этилган "GeneXpert" ускунаси инновацион технологияси, молекуляр тестлари техник фойдаланишда катта қулайликларга эга бўлмоқда. Шу ўринда айтиб ўтишим жоизки, Президентимиз ихтисослаштирилган марказлар айнан биргина пойтахтда эмас, балки ҳудудларда ўз фаолиятини мукамал даражада олиб бориш зарурлигини кўп бора таъкидламоқдалар. Албатта, бу йўналишдаги фаолиятлар вилоят ва туманлар кесимида йўлга қўйилди. Тақдим этилаётган янги технологиялар эса ҳудуддаги шифо масканларига етиб бормоқда. Таъкидлаш лозимки, аналоглари мавжуд бўлмаган, фойдаланиш учун қулай ускуналар бирламчи тиббиёт тизими ишини сезиларли даражада осонлаштиради ва шу билан

бирга соҳа мутахассисларига туберкулезнинг молекуляр-генетик диагностикасини тез ва сифатли аниқлашда ёрдам беради. "GeneXpert" диагностика усулида туберкулезни даволашда кўп ишлатиладиган антибиотиклардан бири – рифампицинга туберкулез микобактериясининг турғунлиги аниқланади. Бу шифокорларга беморни даволаш учун самарали дори воситасини танлаш имконини беради. Тақдим этилган ушбу аппарат чекка жойлардаги туман лабораторияларига туберкулезга чалинган беморлар билан ишлаш бўйича хизмат сифатини ошириш ҳамда аҳолининг касалликка қарши тезкор молекуляр тестлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Туман лабораторияларини ушбу янги "GeneXpert" аппаратлари билан жиҳозлаш орқали туберкулезни тезроқ аниқлаш имконияти юқори бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4191-сонли қарори соҳани тубдан ислоҳ қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, ушбу касалликнинг олдини олиш, тўғри ташхислаш, даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини янада кучайтириш малакали мутахассисларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири, деб биламан.

Наргиза ПАРПИЕВА,
Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

БУХОРО ВИЛОЯТИ

БУХОРОЛИК ШИФОКОРЛАР ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифларидан сўнг, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бухоро вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бир гуруҳ шифокор ва ҳамширалари ҳамда Бухоро тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчиларидан иборат делегация Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманига ташриф буюришди.

Асосий мақсад, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, даво чораларини белгилаш, шунингдек, бирламчи тиббий санитария тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларига амалий ёрдам беришдан иборат бўлди. Ташрифнинг биринчи кунда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хўжайли туман тиббиёт бирлашмасининг раҳбарияти ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг раҳбарияти ва делегация аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ўтказилган йиғилиш давомида 3 та ишчи гуруҳ тузилиб вазибалар белгиланди. Шу куннинг ўзидаёқ тажрибали мутахассислар томонидан тиббий кўриқлар бошлаб юборилди. Даволаш-профилактика муассасаларининг малакали мутахассислари ва Бухоро давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Маълумки, Оролбўйи минтақасида экологик вазият ниҳоятда мураккаб. Бу эса ҳудудда кўплаб касалликлар авж олишига сабаб бўлмоқда. Ташрифнинг илк ку-

нида Қорақалпоғистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликда маҳаллий аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бошланди. Ўттиз нафар юқори малакага эга мутахассис врачларимиз, махсус жиҳозланган мобил поликлиника ва ундаги юқори аниқликда ташхис қўйишга ихтисослашган УЗИ, ЭКГ ҳамда бошқа тиббий ускуналар воситасида кечгача жами 594 нафар яқин фуқаро саломатлиги текширилди. Аниқланган касалликлар бўйича уларнинг 533 нафарига амбулатор ва 61 нафарига стационар шароитда даволанишлари тавсия этилди. Уларнинг 7 нафарига жарроҳлик ама-



нида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти ва шифокорлар гуруҳи иштирокида йиғилиш ўтказилди. Тегишли тор соҳа мутахассисларидан иборат 3 та мобил тиббий бригада ташкил этилиб, улар томонидан Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги муассасаларда ўз йўналишлари бўйича малакали тиббий хизматни амалга ошириш, беморларга амбулатор ва стационар шароитда даволанишлари учун зарур тавсиялар бериш ҳамда даволаш – соғломлаштириш ишлари амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

лиётлари муваффақиятли бажарилди, шундан 3 таси юқори технологик операциялар ҳисобланади. Бунинг баробарида, гуруҳ таркибида Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси ва бошқа муассасалардан сараланган илғор ҳамширалар ҳудуддаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва унинг филиаллари, оилавий тиббиёт муассасаларида маҳорат дарслари, ўзаро тажриба алмашинув, бирламчи тизимда универсал-прогрессив модель бўйича патронаж ҳамшираларига амалий ёрдам бериш кўникмаларини ошириш тадбирларини ўтказишди. Албатта, бу жараёнда аҳоли хонадонларига бориб, турли қатламдаги фуқаролар ора-

сида соғлом турмуш тарзи тарғиботини амалга оширишга ҳам кенг ўрин берилди. Мазкур туманда Саройқўл, Сомонқўл, Найманқўл, Қўлоб, Амударё, Бегжап, Кенагас, Сариганқўл, Жанажап каби йирик қишлоқ ва овуллар бор, жами 18 та маҳалладан таркиб топган бўлиб, Хўжайли туманида асосан қорақалпоқлар, шунингдек, рус, туркман, ўзбек ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади. 125 минг нафар атрофидаги аҳоли бир оила фарзанд-



ҳамда моҳир жарроҳ Ўқтам Рўзиевларнинг хизматлари бор. Афзаллик жиҳати, бундай операциядан сўнг беморлар тез кунда оёққа туриб, оилалари бағрига, соғлом ишчан муҳитга қайтадилар. Хўжайлининг узок ҳудудларидаги патронаж ҳамширалари учун "Маҳорат дарслари" ташкил этилди. Семинар асосида ўтказилган ушбу тадбирнинг мақсади Универсал прогрессив моделининг ҳомиладор ва яқинда фарзанд кўрган аёллар, шунингдек, беш ёшгача бўлган болаларга хизмат кўрсатадиган ҳамда аҳоли вакцинация, ҳомиладорлар саломатлиги назорати, касалликларни даволаш учун мурожаат қиладиган, асосий хизматлар кўрсатиладиган бирламчи тиббиёт-санитария муассасалари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган. Шунингдек, болаларнинг эрта ёшдаги ривожланиши, озикланиши ва уларни рухий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича илмий далилларга асосланган халқаро тавсиялар ва стандартлар билан патронаж ҳамширалари яна бир бора таништирилди. Улар асосида ишлаб чиқилган бугунги кун миллий соғлиқни сақлаш тизимининг вазибалари ҳақида фикрлар алмашилди. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорларида белгиланган бу вазибаларнинг бир қисми патронаж ҳамшираларининг касбий билми ва кўникмаларини оширишда йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Патронаж ҳамширалари шаҳар ва қишлоқ жойларида, шу жумладан, олис ҳудудларда оилалар, ҳомиладор аёллар ва ёш болалар билан мулоқот қилиш учун қатта имкониятларга эга. Ҳозир йўлга қўйилган универсал прогрессив модель индивидуал тиббий ёрдамни таъминлашда, муҳтож оилалар ва жамоаларга тўғридан-тўғри ёрдам кўрсатишда, ота-оналар ва парваришловчиларни қўллаб-қувватлашда ҳамда уларнинг ёш болалари учун энг яхши шароитларни яратишда муҳим аҳамиятга эга. Универсал прогрессив патронаж моделини амалга оширишдаги биринчи қадам тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, ғамхўрликка муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашдир.

ларидек аҳил-иноқ яшаб келишмоқда. Бу аҳолининг ярмидан ортиги, яъни 80 мингга яқини Хўжайли шаҳарчасининг ўзида яшайди. Туман Туркменистон республикаси билан чегарадош. Ҳудудда 20 дан ортик умумтаълим мактаби, 3 та тиббиёт шифохонаси, 5 та поликлиника, 9 та қишлоқ врачлик пункти ва бошқа маъмурий иншоотлар фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хусусан жисмоний фаолликни ошириш, мунтазам равишда ҳар кун эрталаб ва кечки овқатдан сўнг пиёда юриш, зарарли одатлардан воз кечиш юзасидан давра суҳбатлари ўтказилди ҳамда соғлом овқатланиш тамойиллари бўйича натурал кўргазма ташкил қилиниб, фуқароларга ёш ва саломатликни ҳисобга олган ҳолда истеъмол қилиш мумкин ва мумкин бўлмаган махсулотлар бўйича батафсил тушунча бериб ўтилди. Дастлабки кунда 600 га яқин фуқаро тиббий кўриқка жалб қилинган бўлса, иккинчи кунда 500 нафардан ортик фуқаро қамраб олинди, уларнинг 70 га яқинига амбулатор-стационар шароитда даволанишлари учун зарур шарт-шароит яратилди. Иккинчи куннинг ўзида маҳаллий ҳамкасблар билан консилиум ўтказилгани

ҳолда ҳудудда кам таъминланган ва ночор шароитда яшаётган оилаларнинг 7 нафар оғир касалликни бошидан кечираётган беморларда жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Эътиборлиси, илмий-инновацион услубда ташкиллаштирилган операцияларнинг 3 таси юқори технологик операциялар ҳисобланади. Жумладан, ўткир тошли ўт қопи холецистит касаллиги билан боғлиқ 4 та операция муваффақиятли ўтказилди. Хўжайли тумани марказида, Амударё ва Сомонқўл маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг тиббий даволанишга муҳтож бўлган Салима Сабурова, Муҳаббат Жисмуратова, Марифат Уббиниязова, Шамигул Қартбаевалар бир неча йилдирки, холецистит, яъни ўт пуфаги яллиғланиши касаллиги билан азият чекишар экан. Шу кунгача мунтазам консерватив даво муолажаларини олиб келаётган бу аёлларда стандарт асосида инструментал ва лаборатор текширувлари ўтказилганидан сўнг малаинвазив скул, яъни тиг билан кесиш усулидан воз кечган ҳолда лапароскопик холецистэктомия операцияси муваффақиятли бажарилди. Бунда юқори малакали мутахассислар Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Бухоро филиали жарроҳи Улуғбек Тўраев, Бухоро давлат тиббиёт институти ўқитувчиси Бахтиёр Ҳамдамов


Хулоса қилиб айтганда, олис оролбўйида қисқа муддатдаги хизмат сафаримиз самарали кечди. Хўжайли аҳолиси бухоролик шифокорлар хизматидан мамнунликларини билдирдилар. Қорақалпоғистонлик тиббиёт ходимлари билан келгусида бундай тажриба алмашинувларини мунтазам йўлга қўйишга келишиб олинди.

Асқар БАҲРОНОВ,
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.
Маъмураҳон САҒОЕВА,
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқарма бош мутахассиси.


24 МАРТ — БУТУН ЖАҲОН СИЛГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

СИЛ — БЕДАВО КАСАЛЛИК ЭМАС

Сил касаллиги инсоният тарихидаги энг қадимги касалликлардан бўлиб, у ҳамон жамоатчилик соғлигини сақлаш борасида дунё миқёсидаги муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур касалликка қарши кураш доимий давом этиб келмоқда. Илмий тадқиқотлар олиб борилиб, тезлаштирилган даволаш тизимлари жорий қилинмоқда, касалланган ҳар қандай беморнинг даволаниши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.



Даволаш усулларини буюк ватандошимиз Абу Али Ибн Сино ўз асарларида тасвирлаб берган. Сил касаллигининг қўзғатувчисини 24 март 1882 йилда немис бактериолог олими Р. Кох аниқлаганлиги сабабли халқаро Нобель мукофотида сазовор бўлган ва «24 март — Бутунжаҳон силга қарши курашиш куни» деб эълон қилинган. 1882 йил 24 март Берлин физиологик жамияти йиғилишида немис бактериолог Роберт Кох туберкулёз этиологияси тўғрисида маъруза қилиб, туберкулёз қўзғатувчисини аниқлаб, бемор балғами суртмасини бўйаб кўрсатган ва туберкулёз микобактерияси юқумлигини айтиб ўтган. Таъкидлаш муҳимки, сил касаллиги ҳаво томчи йўли орқали юқувчи касаллик бўлиб одамдан ташқари уй ҳайвонлари ҳам касалланади. Бу касаллик наслдан-наслга ўтувчи ирсий касалликлар қаторига кирмайди. Бемордан соғлом одамга юқиш йўли билан тарқалади. Бемор йўталганда аксирганда сил касаллигининг қўзғатувчиларини атроф-муҳитга тарқатади. Касалликнинг тарқалишини олдини олишда, беморларни ўз вақтида аниқлаш, даволашга камраб олиш, мулоқатда бўлганларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, атрофидагиларни соғлом турмуш тарзига риоя этишлари ўз самарасини беради. Сил касаллигига қарши курашишга жалб



қилинган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро ташкилотлар ва касалликка қарши кураш бўйича Миллий Дастурнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги сабаб, сил касаллиги эпидемиологиясида бир қатор ижобий натижалар ўз самарасини бермоқда. Ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисми сил билан зарарланган бўлиб, улар орасида умри давомида мазкур хасталик билан касалланганлар 10 фоизни ташкил этиши мумкин. Лекин, инсон организмидagi иммун тизими сил бактерияларини ўраб олади ва узок йиллар давомида шу ҳолатда сақлайди. Кишиларнинг иммун тизими кучсизланганда касаллик ривожланиш хавфи кучаяди.

Касалликнинг келиб чиқишида қуйидаги омиллар етакчилик қилади:

- юқумли сил беморлар билан мулоқотда бўлиш;
- иммун тизимининг кучсизланиши;
- зарарли одатлар, гиёҳвандлик, кашандалик, алкоголизм;

- ОИТС касаллигини юқтириб олганлик;
- қандли диабет касаллиги;
- ошқозон ва 12 бармоқ ичак касаллиги;
- бўғоқ касаллиги;
- руҳий изтироб;
- тўғри турмуш тарзига риоя этмаслик.

Сил касаллиги биринчи навбатда ўпкани зарарлайди, ўпкadan ташқари аъзолар сили ҳам учраши мумкин. Касаллик шомоллаш белгилари каби бошланади, яъни, ҳолсизлик, терлаш, икки ҳафтадан кўп йўталиш кузатилади. Касаллик кучайганда дармонсизлик, йўтал билан балғам ажралиши айрим ҳолларда қон аралаш балғам ажралиш, эргалаб тана ҳароратининг 38 даражагача кўтарилиши, терлаш, озиш ва иштаҳасизлик авж олади. Шунинг учун соғлом кишиларда юқоридаги белгилар кузатилса дарҳол фтизиатр врачга мурожаат қи-



лишлари шарт. Бу билан бемор соғайишини тезлаштириб, яқинларига эса сил касаллиги юқишини олдини олган бўлади. Туберкулёз — бу юқумли касаллик бўлиб, нафас аъзолари (bronхлар ва ўпкалар зарарланади.

Инфекциянинг асосий юқиш йўли ҳаво томчи йўли хисобланади:

- 1) Фаол туберкулёз шуни англатадики, беморда туберкулёзнинг клиник белгилари бўлади ва инфекция ундан бошқа одамларга юқиши мумкин.

2) Латент туберкулёз инфекцияси (яширин кечувчи ЛТБИ) бу шуни англатадики, туберкулёзнинг клиник ўринмайди ва у юқумли эмас. Латент тури актив туберкулёзга ўтиши мумкин, шунинг учун албатта даволанишни амалга ошириш керак.

Касалликни туберкулёз микобактериялари деб номланувчи (Микобактериум туберкулозис) бактериялар келтириб чиқаради. Сиз фаол туберкулёз билан касалланган одам йўталганда ёки аксирганда атроф муҳитга ажралиб чиқадиган ажратма томчиларининг таркибидаги бактериялардан нафас олишда юқтиришингиз мумкин. Латент силни болаларда ва катталарда диаскинтест синамаларини билан соҳасига тери ичига юбориб аниқлаш мумкин.

Диаскинтест синамалари кимларга қўйилади?

Туберкулёз бўлган бемор билан битта хонадонда яшайдиган ёки яқин мулоқатдаги шахсларга, туберкулёзга мойиллиги юқори бўлганларга. **Буларга ўпканинг носифесифик касалликлари:** Сурункали бронхит бронхиал астма, бронхи-ектатик касалликлари.

Қандли диабет билан назоратда турувчилар, гармон қабул қилувчилар, ошқозон



Диаскин тест натижаларига асосланиб рентгенологик текширувлар умумий ва қон таҳлилларни ўтказилиб клиник аломатлар йўқ бўлганда, яширин латент туберкулёз бўлганда уй шароитида йўриқномаларга асосан таблеткалар билан вазнига қараб 3 ой 6 ой давомида даволаш олиб борилади. Даво муддати тугагандан сўнг қайта синама қўйилади ва даводан кейинги натижалар қўрилади. Дориларни шифокор кўрсатмаси бўйича қабул қилиш тавсия қилинади. Дориларни муддатидан олдин тугатиш мумкин эмас. 2021 йилда болалар ўртасида сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида 2060 нафар болаларда туберкулин синамаси ўтказилди. Улардан 37 нафар болада синама мусбат натижаси аниқланди ва улар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Диаскинтест синамасидан сўнг 3 нафар бола даволашга камраб олинди. Сил беморлар мулоқотлари орасида 35 нафар болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, махсуслаштирилган "Шифо" сихатгоҳига юборилди. "Д" назоратда турган 3 нафар беморларни Наманган вилоятида жойлашган махсус сил беморлар учун "Парда-Турсун" номли сихатгоҳга юборилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, туманимизда болалар ўртасида сил касаллигини эрта аниқлаш мақсадида босқичма-босқич ҳамма ҳудудларда туберкулин ва Диаскинтест синамаси ўтказиш режалаштирилган.

Сил касаллиги бедаво эмас ўз вақтида шифокор қабулида бўлиш, аниқ қўйилган ташхис, беморларнинг даволанишига тўғри ёндашиши, ўз вақтида тўғри овқатланиши силни тўлиқ даволашга кафолатдир.

Сафар АББОСОВ,
Фарғона вилоят 2-сон туманлараро фтизиатрия диспансери муdiri.
Мастура ШОКИРОВА,
Фарғона вилояти 2-сонли туманлараро фтизиатрия диспансер врачи.

НАУКА И ПРАКТИКА

СПОСОБ
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ
ОТИТА У ДЕТЕЙ

Способ прогнозирования острогноного среднего отита у детей, разработанный в Тюменском государственном медицинском университете, стали использовать в лечебной практике врачи.

Способ ориентирован на детей в возрасте от 2 до 12 лет, имеющих средний отит, и определяется по анализу крови. Развитие острогноного среднего отита прогнозируется при индексе сдвига лейкоцитов больше 2,08.

Созданный в Тюменском ГМУ способ был запатентован и включен в лекционный материал кафедры ортопедической и хирургической стоматологии с курсом ЛОР-болезней университета. Он не только помогает прогнозировать осложнение, но и определить тактику лечения пациента.



— Наш способ прогнозирования острогноного среднего отита у детей уже имеет достаточно оснований для клинического применения в практическом здравоохранении, широкого внедрения в алгоритмы профилактических обследований. Важным в нем является возможность ранней диагностики гноного процесса среднего уха как на амбулаторном приеме в условиях поликлинического звена, так и на этапе поступления в приемно-диагностическое отделение стационара. Доступность метода, его информативность позволяет провести своевременное хирургическое лечение и не допустить осложнений, — сообщила Надежда Ефимовна Кузнецова, доцент кафедры ортопедической и хирургической стоматологии с курсом ЛОР-болезней.

Марьяна ИВАНЮК.

ХИРУРГИЯ

ТРАВМА ПОЗВОНОЧНИКА

Американская коллегия хирургов (ACS) представила клинические рекомендации по повреждению позвоночника у взрослых. Руководство предназначено для специализированных центров, занимающихся лечением и реабилитацией пациентов с травмами позвоночника.

В новых рекомендациях Американской коллегии хирургов (ACS) освещается оценка и ведение взрослых пациентов с повреждениями позвоночника, в том числе спинномозговой травмой и переломом позвоночника. Положения и классификации основываются на данных исследований и мнении приглашенных экспертов. В документе определены показания к начальной иммобилизации пациента до поступления в больницу, рекомендовано ограничить движения на всем протяжении позвоночника. Отрицательные результаты спиральной КТ области шеи названы достаточным основанием для снятия шейного фиксатора при тупых травмах. У бессимптомных пациентов в сознании, с нормальным неврологическим обследованием и без ограничений подвижности шейного отдела снятие возможно без применения методов визуализации. Для начального скрининга не рекомендована стандартная радиография шейного и грудно-поясничного отделов позвоночника из-за низкой чувствительности. Для обследования данных отделов рекомендовано выбирать мультиспиральную КТ. При необходимости исследования внутренней структуры спинного мозга единственный доступный метод — МРТ.

Отдельно авторы остановились на ограниченных возможностях фармакотерапии при повреждениях позвоночника. Использование метилпреднизолона в первые часы вслед за спинномозговой травмой не может быть однозначно рекомендовано, указано в руководстве. Другие препараты пока не продемонстрировали эффективности для восстановления моторных функций и нейропротекции. Кроме того, при проникающих повреждениях не рекомендовано применять стероидные средства.

Дополнительно ACS дает рекомендации по профилактике венозной тромбозии, анальгезии, лечению нейрогенного шока, брадикардии, других возможных осложнений в связи с длительной госпитализацией.

Анастасия ТЕСЛИНА

ПОЧЕМУ ВЫРАСТАЕТ КОСТЬ
НА ПАЛЬЦЕ НОГИ

Многим знакома проблема в виде выпирающей косточки на ноге. Это шишка у основания большого пальца, которая вырастает в результате деформации сустава. "Рамблер" пообщался Владимиром Животовым, практикующим врачом-остеопатом, краниопостурологом о том, почему это происходит.

По словам, Животова симптомами растущей косточки на ногах может стать быстрая утомляемость в стопах при ходьбе и тяжесть в ногах. В какой-то момент человеку станет трудно преодолевать большие расстояния. Чтобы нормализовать нагрузку на стопы, необходимо, прежде всего, восстановить правильное положение скелета, обратившись за лечением к хорошему остеопату. Изменится ли «косточка» внешне? У взрослого сформированного человека с давней травмой иногда удается добиться небольшого улучшения внешнего вида стоп. Если пациент уже в зрелом возрасте и деформация явная, то мы ее не устраним. Но можно так выстроить тело, что даже с этой деформированной стопой человек будет вполне удобно ходить. По словам врача, если деформация находится в ранней стадии, то можно заметно улучшить форму стопы. Но если косточка уже проявилась, это говорит о запущенной стадии плоскостопия. В этом случае вернуть косточку в исходное состояние не получится. Но если начать лечение, то ноги перестанут болеть и уставать. Да, форма останется прежней, но дискомфорта можно избежать.

Владимир Животов утверждает, что самый неправильный путь лечения деформации — это удаление косточки хирургическим путем. «Косточки» — это своеобразная дополнительная опора, которую тело выстраивало го-



дами. Если эту опору удалить, то возникают большие затруднения с ходьбой, иногда — полная невозможность ходить из-за болей в стопах, хотя внешне они могут выглядеть идеально. Если операция выполнена только на

одной ноге, то нагрузка на другую ступню автоматически увеличивается, она «распластывается» и может прибавить 1-2 размера. Существуют опасные способы лечения, а есть просто безопасные. Например, использование силиконовых расширителей, которые зажимаются между большим и вторым пальцем. Расширители никак не влияют на исходные проблемы, из-за которых выросли косточки — сколиоз, копчиковую травму или неправильный обмен веществ. Поэтому эффект от них не может быть значимым и стойким. Самостоятельно врач советует делать упражнения для стоп, массировать их, прокатывать ими обычную скалку, делать для ног теплые ванночки, холодные обливания с тем, чтобы снять нагрузку на мышцы и связки стопы.

А если у вас уже есть «косточки», необходимо сосредоточиться на всем теле, а не только на них. Восстановить скелет и обмен веществ — это задача остеопата и эндокринолога. Если начать лечение вовремя, вы сможете остановить деформацию суставов и, в некоторых случаях, даже улучшить внешний вид ног.

Владимир ЖИВОТОВ,
остеопат, Даша КРАСНОВА.

ВРАЧ ПРЕДУПРУЖДАЕТ

ОПАСНОСТЬ
КОРВАЛОЛА
И ВАЛЕРИАНКИ
ПРИ СТРЕССЕ

Популярные лекарства корвалол и валерианка могут быть опасны при стрессе. Об этом сообщает терапевт Надежда Капнинская. Терапевт пояснила, что корвалол может вызывать привыкание и синдром отмены, если человек попытается от зависимости избавиться.

"В легких случаях синдром отмены проявляется тревогой, дрожью, нарастающей слабостью по всему телу, головокружением, тошнотой, рвотой, нарушением сна, головокружением, развитием обморочных состояний, в тяжелых — возможны судороги, делирий".



Неправильное и бесконтрольное употребление валерианки может стать причиной панических атак и бессонницы. Если человек на протяжении долгого времени принимает настой валерианы в увеличенной дозе, то это чревато запорами.

Н.Капнинская также рассказала о травяных чаях. Она отметила, что назначать их должен исключительно лечащий врач, так как у чаев есть противопоказания и побочные действия.

"Многие травы содержат токсические вещества и требуют либо ограничения в приеме, либо полный отказ от него. Особенно стоит быть осторожными людям, страдающим аллергиями, поллинозом".

Мария КАТКОВА

АНЪАНАЛАРИМИЗ

НАВРЎЗ — МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ БЕЛГИСИ

Наврўз — юртимизнинг гўзал айёми, эзгулик, нафосат тимсоли. Наврўз — пок туйғулар, улуг ниятлар айёми. Улуг орзулардан улуг режалар тузилади. Шу боис ҳам Наврўзи оламни барча бирдек интизорлик билан кутади.

Бир пайтлар шундай гўзал байрамимизни диний сарқитга чиқаришмоқчи бўлишди. Уни йўқ қилишга уриндилар. Бошимиз узра Истиқлол нури чарақлади. Наврўз диний эмас, балки миллий, меҳр-оқибат, умумхалқ байрами эканлиги намоён бўлди.

1990 йилда, ҳали мустақиллик қўлга киритилмаган даврдаёқ бу айём мухтарам биринчи Президентимиз ташаббуси билан катта ва тантанали байрам қилинди. Бутун Республикада Наврўз ўша йили нақадар кенг нишонланганди. Ўшанда қилинган дуолар ижобат бўлиб, 1991 йилда мустақилликка эришдик. Оллоҳ ниятларимизни ўзимизга йўлдош қилди. Асрлар оша аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган улуг айём — Наврўз қайтди. Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Мустақиллик халқимизнинг эзу ниятларини рўёбга чиқарди, ўзлигимизни англаш билан бирга азалий қадриятларимизни қайтарди. Мустақиллик йилларида бу гўзаллик айёми — Наврўз тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизда яшаётган барча халқлар ва элатларнинг улкан шодиёнасига айланди. Наврўз миллий қадриятларимизни тараннум этувчи ҳақиқий халқ байрами. Унинг ўзига хос тарихи Она халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюклар ўз асарларида Наврўзи олам тарихи, унинг моҳияти ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Ота-боболаримиз Наврўзни байрам қилишдан ташқари, у билан боғлиқ бўлган табиат ҳодисаларини ҳам кузатганлар. Бу кузатувларини қўлғамизда ҳамда

дилар. Ер ҳам йилбошини кутиб ётгандай, эркин нафас ола бошлаб, жонланади, уна бошлайди...Дунёдаги ҳамма халқ ва элатларда она замин мавсумлари кутиб олиншининг

нади. Айниқса, сумалак сайли алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинади. Наврўз ёшартириш, жонланттириш, ва юксалтириш байрами. Бу байрам элимизнинг миллий ғурури,

лан машғул бўлиб, 21 кун эса, Наврўзни — Янги йилни кутиб олишган ва бу “Дехқонлар Наврўзи” деб аталган. Бухоро дехқонлари йил ҳисобини шу кундан бошлаб ҳисоблаганлар. Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, Наврўз календарь удумлари жумласига кириб, “Йилнинг боши”, “Янги йил” тушунчалари билан тун ва куннинг тенглигига тўғри келар экан. Буюк аллома Бобурнинг ижодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Наврўз у даврда энг оммавий байрамлардан бири сифатида нишонланган. Агар Наврўз пайтида урушлар кетаётган бўлса, жанглар маълум муддатга тўхта-тилган, қон тўкилмаган, сайил, ов уюштирилган, ҳар хил мусобақалар, от ўйинлари, камондан найза отиш, чавандозлик, айтишувлар шеърхонликлар уюштирилган. Наврўз пайтида давлатнинг сиёсий ишлари билан шуғулланилмаган, музокаралар олиб бориш тўхтатилган. Наврўз байрамининг асосий қисми оммавий сайиллардан иборат. Дорбозлар, қизиқчилар, масхарабозлар, ўйинчилар ўз санъатларини намоёништириб, сайилларга фойз киритади. Халқ одатларидан кураш ва кўпқари турли миллий ўйинлар ташкил этилади. Наврўз аёллар учун унутилмас байрам, қиз-жувонлар сайлгоҳларга зеб-зийнатлар тақиб, ясашиб боришади, у ерда алоҳида давра ташкил қилиб, ўз тенгқурлари билан гурунглашиб, дам олишади. Дутор чертиб, доира чалиб, кўшиқ ва лапарлар айтилади. Халқимиз ҳозир ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида ота-боболаримизнинг бу ажойиб анъаналарини изчил давом эттириб келмоқда. Наврўз байрами оилаларда, ёру дўстлар даврасида, шаҳар ва маҳаллаларда, мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртларида тантанали нишонланапти.



босма китобларда ёзиб қолдирганлар. Наврўз, манбаларда айтилишича араблар истилосидан анча илгариги даврларда ҳам кенг нишонланган.

Бир донишманддан Наврўз қачондан бошлаб байрам қилинганини сўрашибди. У — Ой ва Қуёш пайдо бўлган пайтдан бошлаб байрам қилинган, деб жавоб берибди. Абу Райҳон Беруний: “Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидай, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир”, деб жавоб берган экан. Наврўзда, яъни баҳорда кеча ва кундуз тенглашади, кузда эса бу ҳолатнинг такрорланиши кузатилади. Бу ҳолат Меҳржон деб аталган. Наврўзи олам ҳақида маълумотлар Махмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғотит турк” асарида ҳам кенг баён этилган. Булардан ташқари, кўплаб тарихий қўлёзмаларда, Наврўз жуда қадимий байрамладан эканлиги маълум қилинади. Наврўз элимизнинг сеvimли байрами, чунки инсон кишдан анча зада бўлиб, зерикиб чиқади. Фасллар келинчаги баҳорни орзиқиб, соғиниб кутиб олади. Дехқон боболар кўкламги ишни Наврўзи оламнинг илк кунларидан бошлай-

ажойиб таомиллари бор. Айниқса, баҳор келиши билан табиат уйғонади, олам яшилликка бурканади, инсон табиатида янги хис-туйғулар жўш уради, эзгулик ва яхшилик ҳаммани шодликка, меҳнатга, олижаноб фазилатларга ундайди. Наврўзи олам бошланиши билан халқимиз тантанали байрамни дўсту кадрдонлар билан нишонлайди. Қадимда ҳам умумхалқ байрами Наврўзни кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилган. Байрам олдидан уй-жойлар тозаланган, ҳовлиларга, боғларга анвойи гуллар билан безалган, ҳамма ўзига янги кийимлар тикдирган. Наврўз кунлари кишилар кўни-кўшни, қариялар, ёр-биродарлар ва қариндошлар билан дийдорлашишган, араз-гиналарга барҳам беришган. Шу улуг айём давомида беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Марҳумларнинг қабрлари зиёрат этилган. Наврўз байрамига атаб оилаларда махсус баҳор таомлари, яъни ялпиз, откулок, жағ-жағ, шўра, йўнғичқадан ва бошқа кўкатлардан сомса, патир, бийрон ва кўк чучваралар тайёрла-

виждони, эрки. Барчани эркин нафас олишга чорлайди, рухиятини кўтаради, қалбларда кувонч уйғотади, яшашга иштиёқни оширади. Ҳаммани бирдек ободончиликка, кўкаламзорлаштиришга, бир сўз билан айтганда, яратувчанликка чорлайди. Наврўз кунини етти хил ўсимлик бошоғидан ёки жўхоридан тайёрланган гўжа ҳам йил бошининг қадимий удумларидан ҳисобланади. Айниқса, ун ва ундирилган буғдой майсаси қиймасидан тайёрланган сумалак — йил бошини байрам қилувчи барча Шарк халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқлари учун Наврўзнинг рамзи сифатида эъзозланиб келинади. Ўрта осиелик олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёзилишича, Варахшада халқ йилнинг охирида 20 кун бозор ишлари би-

Наврўз байрамини ўтказишда янги одат-удумлар қўлланилиши унинг маънавий мақсадини бойитиб борапти. Наврўзнинг юртдошларимиз маънавий маданиятини ошириш, эстетик дидини ўстиришдаги хизмати беқиёсдир. У кишиларга маданий ҳордиқ беришдан ташқари, самарали меҳнат қилиш учун куч ва илҳом бағишлайди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 674 нусха.
Буюртма Г-340

Газета «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Сохфаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.